



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 98 (10.151)

2004 ЙИЛ 24 МАЙ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

2004-2009 ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнининг энг муҳим бўғини, жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг, иқтисодий ёлбарқорор ривожлантиришнинг, республикани жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг зарур ва мажбурий шарти сифатида таълим соҳасини ислоҳ қилиш сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Белгиланган мақсадга эришиш учун Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ушбу дастур 9-синф битирувчиларини касб-хунари таълими тизими билан тўла қамраб олишни таъминлашга, ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим билан бир қаторда аниқ бир касбни эгаллаб олишларига қаратилган. Дастурга мувофиқ принципаи янги типдаги ўрта хунари ўқув муассасалари тармоғи шаклланди. Замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланган 533 та касб-хунари коллежи ва 54 та академик лицей барпо этилди. Коллежлар ва лицейларни қуриш ҳамда жиҳозлаш бўйича мамлакатимиз индустрияси яратилди. Янги таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодга узлуксиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит қамраб оладиган ягона таълим мажмуи ҳисобланади. Бунда таълим тизимининг ҳар бир бўғини алоҳида ўрин ва масъулиятга эгадир. Дастурни тўлиқ амалга ошириш, қўйилган вазифаларга эришиш ана шу бўғинларнинг ҳолати ва ривожланиш даражасига, уларнинг ўзаро уйғунлигига боғлиқдир.

Шу билан бирга, таҳсиллар шуни кўрсатадики, бутун тизимнинг энг муҳим бошланғич босқичи бўлган мактаб таълимининг ортда қолаётгани яхлит узлуксиз таълим занжирини энг заиф бўғин бўлиб қолмоқда. Бунинг асосий сабаби мактаблар моддий базасининг заифлиги бўлиб, уларнинг 40 фоизга яқини типовой бўлмаган мослаштирилган биноларда жойлашган, жами 9727 та мактабдан 684 таси авария ҳолатидадир.

Кўпгина мактаблар марказлаштирилган иситиш системасига эга эмас, ичимлик сув ва табиий газ билан таъминланмаган. Ўқувчиларнинг 28 фоиздан кўпроғи икки-уч сменада ўқитилади. Мактабларнинг ўқув-лаборатория ускуналари билан жи-

ҳозланиш даражаси 29 фоизни, замонавий компьютер техникаси билан таъминлиниши эса 15 фоизга яқини ташкил қилади. Мактабларнинг фақат ярмигина спорт залларига эга, уларнинг спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозланиши эса 23 фоиздан ошмайди. Аниқсиз қишлоқ жойлардаги мактабларнинг моддий базаси қониқарсиз аҳволда.

Ўқитувчилар, энг аввало бошланғич синф ўқитувчиларининг меҳнати рағбатлантириш борасида таркиб топан тизим мактаб таълимида ҳамон заиф бўлиб қолмоқда, бунда педагоглар истеъдоди, касб маҳорати уларнинг меҳнатида ҳақ тўлаш чоғида ҳали ҳам белгиланган мезонга айланмапти.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида мактаб таълимининг орқада қолишига барҳам бериш ҳамда мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимининг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ мавжуд жиддий муаммоларни бартараф этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 февралдаги Ф-1910-сонли Фармойиши билан тузилган Махсус комиссия ва ишчи гуруҳлари томонидан республика миқёсларида бевосита бўлиб, барча умумий таълим мактаблари тўлиқ рўйхатдан ўтказилганлиги, уларнинг моддий-техника базасининг ҳозирги ҳолати танқидий ва батафсил ўрганиб чиқилганлиги, мактаблар паспортлаштирилганлиги, мактабларни қайта тиклаш борасидаги ишларнинг мезонлари ишлаб чиқилганлиги ҳамда аниқ тип ва йўналишлари белгилаб олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умум-миллий дастурини амалга ошириш мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим вазифа деб ҳисоблансин.

Мактаб таълим тизимини тубдан яхшилашнинг энг юқори замонавий талабларга мос келадиган ўқув-моддий базаси ва таълим стандартлари шакллантирилишини; яшаш жойидан қатъи назар, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базаси ҳамда таъминлиниш даражасидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида болаларнинг таълим олиши учун тенг шарт-шароитлар яратилишини; ўқитувчилар меҳнати ҳар томонлама рағбатлан-

тирилишини кўзда тутувчи Давлат умуммиллий дастурининг асосий таъминлини ва мақсадли вазифалари маъқуллансин.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга оширишнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгилансин:

капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг, авария ҳолатидаги мактаб биноларини бузиб ташлашнинг манзиллари аниқ кўрсатилган дастурларини ва мактаб биноларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиққан ҳолда умумий таълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

мактабларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш; таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;

умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, улар таркиби сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнати рағбатлантириш кучайтириш; умумий таълим мактабларида спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш.

3. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш борасидаги ишларнинг бутун комплекси бажарилиши учун масъулият Махсус комиссия (Ш.М.Мирзиёев), Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари зиммасига юклатилсин.

Дастурни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида ҳар бир алоҳида шаҳар ва туман бўйича ишлар жаҳҳаси ва уларни бажариш муддатлари аниқ белгиланиши, бузиб ташланган, капитал реконструкция қилинадиган ва капитал таъмирлаш талаб этиладиган мактаблар жойлашган манзилларнинг хариталарини тузиш кўзда тутилсин ва шу асосда ҳар бир объект бўйича тиклаш ишлари мактаблардаги ўқув жараёнига зарар етказмаслиги учун уларни бажаришнинг аниқ дастурлари тайёрлансин.

Давоми 2-бетда.

XXI саҳоси
Хасри
Барча мамлакатларда
олинган сўғити хабарлари

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

• Халқаро болаларни химоя қилиш кўни муносабати билан 24-30 май кунлари мамлакатимизда «Хар бир фарзанда меҳр-эътибор» шиори остида хайр-саховат ҳафталиги ўтказилди.

• Хоразм вилояти, Хонқа туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигида янги ичимлик суви таъминоти тизимлари тақдими маросими бўлиб ўтди.

• Хонободдаги «Андижонкабель» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг асосий қисми Россия, Украина, Қозғистон, Туркменистон, Қирғизистон Республикалари ва жаҳон бозорига чиқарилмоқда.

• Сирдарё вилояти Агросаноат мажмуи ходимлари касабда уюшма қўмитаси Сардоба туманидаги Узоқов номли қишлоқда спорт майдони қурилишини якунлади.

Жаҳонда

• Грузия парламенти давлатнинг янги герби ва мадҳиясини тасдиқлади. Янги мадҳия илк бор 26 майда нишонланадиган Грузия мустақиллиги байрамида ижро этилди.

• Украина Олий радасида бўлиб ўтган ёпик мажлисда ушбу мамлакат ҳарбий контингенти Ироқдан олиб чиқиб кетилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинди.

• Латвия парламенти собиқ иттифок давлати ҳавфсизлик қўмитасининг ушбу мамлакат архивларида сақланиб қолган 1991 йилгача бўлган ҳужжатларини ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

• Халқаро космик станциядан оқиб космосга чиқилганда фойдаланилиши режалаштирилган Америка скафандрларининг совутиш тизимида муаммолар мавжудлиги экипаж машғулотли пайтида маълум бўлди.

• Антарктида қирғоқларида илгари номаълум бўлган сув ости вулкони топилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш
давлат умуммиллий дастури тўғрисида

Давоми. Боши 1-бетда.

4. Бюджет маблағлари, корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, хорижий кредитлар ва грантлар 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини молиялашнинг асосий манбала-ри этиб белгилансин.

Ушбу маблағларни жамлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида бюджетдан ташқари махсус Мактаб таълими жамғармаси ташкил қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасининг маблағларидан маориф тизимини жорий молиялашга бюджет маблағлари ажратиш билан бир қаторда фақат мактабларни қайта тиклаш, уларни ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, мактаб парталари ва мебель билан таъминлаш борасидаги ишларни амалга ошириш мақсадидагина фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг вилоят тузилмалари зиммасига Жамғарма маблағларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши устидан назорат ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, хўжалик юритувчи субъектларнинг 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини молиялаш учун мақсадли йўналтирилган ҳомийлик маблағлари даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун хорижий кредитлар ва грантларни имтиёзли шартларда жалб этиш бўйича халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар билан доимий асосда иш олиб борсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: бир ой муддатда бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда тасдиқласин, Низомда шундай механизм кўзда тутилсинки, бунда Молия вазирлиги бюджетни тасдиқлаш чоғида Дастурни амалга ошириш учун мўлжалланган маблағлар ҳажмини алоҳида сатр билан ҳар бир вилоятга етказиш, айтиш вақтда Жамғарма орқали ана шу маблағлар вилоят ҳокимликлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматларига етказилади;

Молия вазирлиги ҳузурида Жамғарманинг Ижроия дирекциясини тузиш, Жамғармани бошқариш бўйича Кенгашни ташкил этиш, шунингдек Ижтимоий соҳани молиялаш бош бошқармаси таркибида мактаб таълими бўлимини тузиш бўйича таклифлар икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритилсин, мактаб таълими бўлими зиммасига Мактаб таълимининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларидан фойдаланилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси икки ой муддатда қуйидагиларни амалга оширсин:

мактабларни рўйхатдан ўтказиш асосида фойдаланилаётган мактабларни турларига қараб системалаштириш, уларнинг моддий базаси ҳозирги аҳолини баҳолаш мумкин бўлган сифат ва сон меzonларини белгилаш, бу ўринда зарур коммуникациялар, сув, иссиқлик ва мактаб инфратузилмаси мавжудлигига алоҳида эътибор қаратиш;

системалаштириш натижаларига кўра мактабларни тиклаш бўйича намунавий лойиҳаларнинг бир неча вариантини ва энг юқори меъёрий харажатларини ҳар бир вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ шароитларига мослигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш, бунда улар тўрт йўна-

лиш бўйича - эскиларининг ўрнига янги мактаблар қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш зарурлиги жиҳатидан кўриб чиқилади. Бунда асосий талаб - биринчи навбатда, хавфсизлик ва ўқув жараёни талабларига мувофиқлик ҳамда капитал реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш харажатлари шу турдаги янги мактаб қурилиши қийматидан ошмаслигини таъминлаш;

мактабларни капитал реконструкция қилиш намунавий лойиҳалари макетларининг кўргазмасини ташкил этиш, капитал ва жорий таъмирлаш намунавий лойиҳалари ва энг юқори меъёрий харажатлари альбомини тайёрлаш ва амалиётда қўллаш учун нашр этиш.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига намунавий лойиҳаларни тайёрлаш учун иқтидорли лойиҳачилар ва сметачилардан иборат ишчи гуруҳлари ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланмаган намунавий лойиҳаларсиз ва меъёрий харажатларнинг юқори кўрсаткичсиз мактабларни тиклаш ишларининг амалга оширилиши қатъиян тақиқлансин. Намунавий лойиҳани реал шароитга мослаштириш чоғида ундан ҳар қандай чекиниш Давлат архитектура қўмитаси билан келишиб олиниши лозим.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси мактабларни тиклаш ишларини амалга оширишда намунавий лойиҳалар ҳамда тасдиқланган қурилиш меъёрлари ва қондалари-га риоя этилиши учун масъул ҳисобланади.

Махсус комиссия (Ш.М.Мирзиёев) Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда республика вилоятларида манфаатдор тузилмалар билан бирга шаҳар, қишлоқ ва тоғли жойлар шароитини ҳисобга олган ҳолда намунавий лойиҳаларга риоя этиш юзасидан масъулиятни ошириш талабларини бевосита ижрочиларга етказиш учун семинар ва кенгашлар ўтказсин.

9. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш юзасидан буюртмачи вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматларига юклатилсин.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматларига ўзининг вакилларини бириктирсин, уларнинг зиммасига Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича қилинаётган ишларнинг тасдиқланган намунавий лойиҳалар, қурилиш меъёрлари ва сифатига мувофиқлигини таъминлаш масъулияти юклатилсин.

10. Махсус комиссия (Ш.М.Мирзиёев), Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш ва ижтимоий комплекслари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан бирга қуйидагиларни амалга оширсин:

икки ой муддатда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга оширишга ихтисослашган мавжуд пудратчи қурилиш ташкилотлари ва қурилиш саноати объектларини рўйхатдан ўтказиш;

Дастурни амалга ошириш учун касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар қурилишига жалб этилган қурилиш саноати корхоналари ва пудратчи ташкилотлар имкониятларидан фойдаланиш; намунавий лойиҳалар талабларидан келиб чиқиб, мактабларни тиклашда ишлатиладиган намунавий қурилиш конструкциялари ва бирикмаларини белгилаш ва тасдиқлаш, экспертиза ва синовдан ўтказиш, шундан сўнг уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор идоралар билан бирга,

касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни жиҳозлаш бўйича тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, 2004 йил 1 октябрда:

мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган мактаб парталари, мактаблар учун мебель ва бошқа ўқув ускуналари танловини эълон қилсин ва кўргазмасини ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги иштирокида мактаб ва ўқув ускуналарининг муайян турларини ишлаб чиқаришга доир давлат буюртмасининг беш йиллик дастурини ишлаб чиқсин;

мактаб ва ўқув ускуналарини ишлаб чиқариш давлат буюртмасини бериш учун мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ўртасида тендер ўтказсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 2004 йил 1 сентябрда 2005-2009 йилларда мактабларни замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш бўйича махсус дастур тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Мазкур Дастурни тайёрлашда қуйидагилар кўзда тутилсин:

касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш услубиёти ва амалиётини мажбурий тарзда қўллаш;

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини ижро этиш муддатларида мактабларни замонавий компьютер техникаси билан жиҳозлаш, ихтисослаштирилган синфлар (физика, кимё, биология ва бошқа хоналар) ташкил этиш, бунда молиялаш манбалари, уларни таъмирлаш бўйича моддий база мавжудлиги, мактабларнинг тегишли мутахассис ва ўқитувчилар билан таъминланишини ҳисобга олиш.

13. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссияси (А.А.Азизжўаев) Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2004 йил 1 сентябрда Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни нашр этиш дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин. Бунда давлат таълим стандартлари талабларига риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб ўқитувчилар учун меҳнатга ҳақ тўлаш ва тариф ставкалари тизимини қайта кўриб чиқиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин, уларда истеъдодли, ўз касбига содиқ, таълим ва тарбия жараёнига катта ҳисса қўшган ўқитувчилар, биринчи навбатда, бошланғич синфлар ўқитувчиларини рағбатлантиришнинг самарали механизмни яратиш кўзда тутилсин;

ўқитувчиларга ҳақ тўлаш тизимини тармоқ сеткасига ўтказиш масалалари оммавий ахборот воситаларида, махсус семинарлар, конференциялар ва кенгашларда кенг муҳокама этилишини ташкил қилсин ва 2004 йил 1 октябрда Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда мазкур Фармон ижросини таъминлаш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

16. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВТошкент шаҳри,
2004 йил 21 май.

21 май куни Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги А.Полвонзода хорижий ва республика оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди. Унда вазирлиқнинг Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро ва чет эл ҳокумат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларини рўйхатга олиш бўйича ишларининг натижалари журналистлар эътиборига ҳавола этилди.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Илгари Ташқи ишлар вазирлиги бажарган рўйхатга олиш масалалари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 декабрдаги қарорига мувофиқ Адлия вазирлиги зиммасига юкланган эди.

Адлия вазирлиги маълумотларига қараганда, вазирликка келган ҳужжатларни тезкор кўриб чиқиш, рўйхатдан ўтказиш жараёнини ўз вақтида ва малакали амалга ошириш учун барча ташкилий шарт-шароит яратилган. Рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза билан вазирликка 76 ташкилот мурожаат қилган бўлса, шунлардан 73 таси рўйхатга олинган ва давлат реестрига киритилган. Уларга давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида шартнома берилган. Айни чоғда ушбу ташкилотлар Ўзбекистонда ўз фаолиятини қонуний асосларда амалга оширолмади. Чет эл ташкилотлари ваколатхоналари ва филиаллари фойдаланган барча, шу жумладан, божхона ва солиқ бўйича имтиёзлар тўла сақлаб қолingan. Яна иккита ташкилот - «Венгрия экumen хизмати» /Венгрия/ ва «Мэрлин» /АҚШ/ ваколатхоналарининг ҳужжатлари кўриб чиқилмоқда.

Бир қатор хорижий ҳокумат ташкилотлари ваколатхоналарининг фаолиятида Ўзбекистон қонунчилигини бузиш ҳолларига йўл қўйилганлиги учун бундай ҳолат яна такрорланса, уларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор қайта кўриб чиқиши ҳақида огоҳлантирилди. Бундай расмий огоҳлантиришлар АҚШ Халқаро муносабатлар миллий демократик институти, Халқаро Республика институти /АҚШ/ ва «Фридом Хауз» ваколатхоналарига билдирилди.

Вазир миллий қонунчилигини бузиш ҳолларига мисол сифатида мазкур ваколатхоналар ҳодимларининг тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилмаган айрим сиёсийлашган гуруҳлар, шу жумладан, «Бирлик» халқ ҳаракати партияси» аталмиш ва бошқа шу каби фаолияти амалдаги қонунчиликка ҳилоф бўлган ва Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқаришга қаратилган бошқа тузилмалар билан доимий алоқада бўлганлигини айтиб ўтди. Шундай гуруҳлардан бири «Эрк» демократик партияси» аталмиш тузилма бўлиб, унинг етакчиси Муҳаммад Солиҳ 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида террорчилик ҳаракатларини ташкил этганлиги учун судланган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди қарорига мувофиқ бошқа шериклари қаторида М.Солиҳ ҳам 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган. Ҳозирги пайтда у Европа мамлакатларида бирида яшириниб юрибди ва уни Интерпол қидирмоқда.

Матбуот анжуманида юқорида эслатилган ваколатхоналар фаолияти уларни рўйхатга олиш тўғрисидаги ҳужжатларда баён этилган вазифалар доирасидан чиққанлиги ва ноҳилислиги яққол сезилиб турганлигига доир фактлар келтирилди: улар томонидан айрим бузғунчи сиёсийлашган гуруҳлар - очик ғайри конституциявий позицияларига қарамай, қўллаб-қувватланган. Қонуний тартибда тузилган ва рўйхатдан ўтказилган партиялардан фарқли ўларок, уларга мустақил ҳамда «демократик» тузилмалар сифатида қаралган. Шу муносабат билан вазир, Конституцияга мувофиқ, у ёки бу партияга баҳо беришга доир суверен ҳуқуқ Ўзбекистон халқига тегишли эканини, халқ ушбу ҳуқуқини сайловлар жараёнида рўёбга чиқаришини эслатиб ўтди.

Вазир юқорида тилга олинган ваколатхоналардан айримлари томонидан мамлакатимиз қонунилари бузилишига йўл қўйилган ҳолатлар ҳақида тўхталиди. Улар таркатаётган адабиётлар ва видеокассеталарнинг мунайян қисмида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий вазият, мамлакатда кечаётган демократик жараёнлар ноҳилис ва бузиб кўрсатилганлигини таъкидлади.

Мазкур ташкилотлар миллий қонунчиликка амал қилишга, ўз мол-мулки ва пул маблағларини тасарруф этиш тўғрисидаги ахборот ошқоралигини таъминлашга, ўтказадиган тадбирларида нодавлат нотижорат ташкилотни рўйхатга олувчи органнинг иштирок этиши имкониятини яратиб беришга - «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»-ги қонунда белгилаб қўйилган ушбу талабларга ҳам риоя қилмаган.

Ўзбекистон қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳудди шундай ва бошқа бир қатор ҳолатлардан келиб чиқиб, Адлия вазирлиги «Кўмак Жамғармаси Очиқ Жамият Институти» /Сорос жамғармаси/ ваколатхонасини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этди. Матбуот анжуманида адлия вазирлиги бундай қарор қабул қилинишининг сабабларини изоҳлаб берди.

Чет эл ҳокумат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларини рўйхатга олиш ва улардан айримларининг Ўзбекистондаги фаолияти билан боғлиқ масалалардан ташқари, вазир Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги гўёки «Эрк», «Бирлик», «Озод дехқонлар» сиёсий партиялари ва «Аграрлар ва тадбиркорлар партияси» ҳамда бошқа шу каби ташкилотларни рўйхатдан ўтказишнинг асосий равишда рад этаётгани тўғрисида айрим хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида, баъзи ҳокумат ташкилотларининг баёнотлари ва маълумотларида мунтазам тарқатилаётган ахборотларни атрафлича шарҳлади.

Вазир таъкидлагандек, бундай хабарларнинг барчаси ҳеч қандай асосга эга эмас. Зеро, тилга олинган гуруҳлардан ҳеч бири Адлия вазирлигига ўзини партия сифатида рўйхатдан ўтказиш учун қонунда белгиланган ҳужжатларни тўла тақдим этмаган. Хусусан, «Эрк» партиясидан Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтиш учун ҳеч қандай таъсис ҳужжатлари тушмаган.

«Бирлик» халқ ҳаракати аталмиш тузилмани рўйхатга олиш учун топширилган ҳужжатлар қонунчилик талабларига жавоб бермаганлиги тудайли Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан кўриб чиқилмаган. Ҳужжатларни ўрганиш чоғида сиёсий партияга бирилашми истагини билдирган фуқароларнинг имзолари оммавий равишда қалбакилаштирилганлиги аниқланган.

Ҳудди шу сабабли таъсис ва бошқа ҳужжатларнинг қонунга мувофиқ келмаганлиги учун «Озод дехқонлар» партияси деб аталмиш тузилмани рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилмаган.

Вазир қайд этганидек, тилга олинган гуруҳларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги масала атрафлича турли хил баёнотлар ва гап-сўзлар мутлақо асоссиз ва бузғунчиликдан иборат бўлиб, улардан кўзланган мақсад битта: Ўзбекистонда сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун бузилмоқда, деган нотўғри тасаввур уйғотишдан иборат.

Чет эл ҳокумат ташкилотлари ваколатхоналарини рўйхатга олиш ва улар фаолияти бўйича Адлия вазирлиги позициясини баён этар экан, вазир алоҳида таъкидладики, қонунларимизни, миллий урф-одатларимиз ва аъёналаримизни ҳурмат қиладиган, солиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларида кенг қамровли ва фойдали ишларни амалга ошираётган барча халқаро ва хорижий ҳокумат ташкилотларга вазирлик ҳар томонлама ёрдам кўрсатган ва бундан кейин ҳам уларни қўллаб-қувватлайверади. «Чегара билмас шифокорлар» /Голландия/, Конрад Гёте намуна, Фридрих Эберт жамғармалари, Гёте Институтининг Тошкент филиали, Халқаро ҳамкорлик бўйича Америка агентлиги /ЮСАИД/нинг тадбиркорлигини ривожлантириш, тиббиёт, таълим масалалари бўйича лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш борасида фаолият юритаётган ташкилотлар, Россия саноатчилари ва тадбиркорлари иттифоқининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Россия тадбиркорлик маркази ва бошқалар шулар жумласидандир.

Пировардида вазир ҳозирги кунда мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларига 2004 йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик ишлари олиб борилаётганини таъкидлади. Сайловлар тўғрисидаги қонунда барча партияларнинг сайлов кампаниясида иштирок этиши учун тенг имкониятларга эга бўладиган шарт-шароит яратадиган умум эътироф этган демократик меъёрлар акс этган. Сайловларга тайёргарлик доирасидаги барча ишлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуниларига тўла мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Адлия вазирлиги журналистларнинг саволларига атрафлича жавоб қайтарди.

ЎЗА

БОЛАЛАР МАЗМУНЛИ ДАМ ОЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасида Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2003 йил болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш якунлари ҳамда 2004 йил мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга оид масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев бошқарган мажлисда болаларни ёзги дам олдириш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш муҳим ва масъулиятли вазифа экани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган 2004 йилда Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган, серфарзанд, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандларини имтиёзли тарзда оромгоҳларда дам олдиришга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Оролбўйи минтақасидаги ўғил-қизларни соғломлаштириш доимий диққат-эътиборда бўлмоғи даркор. Мажлисида барча турдаги оромгоҳларни мавсумга талаб

даражасида тайёрлаш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, зарур техник жиҳоз ва анжомлар, спорт буюмлари, дори-дармон билан таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Оромгоҳларга малакали ва моҳир педагог-тарбиячи, етакчи ва бошқа мутахассисларни жалб этиш, ёшлар онгига миллий истиклол, Ватанга муҳаббат, юрта садоқат ғояларини синдиришга қаратилган маърифий-маънавий тадбирларни юксак савияда ўтказиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

● КЕЧА Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар автомобиль федерацияси томонидан Тошкент шаҳар Кубоги учун Халқа бўйлаб автомобиллар пойгасининг биринчи босқич мусобақалари ташкил этилди.

● ЧИЛОНЗОР туманида жойлашган Республика тиббиёт коллежида «Очиқ эшиклар куни» тадбири ўтказилди.

● МИРЗО Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида «ЭКОСАН» халқаро хайрия жамғармаси томонидан биологик хилма-хилликни асраш масаласига бағишлаб ўтказилган тадбир «Сув ва саломатлик — ҳамма учун» шиори остида уюштирилди.

● ТОШКЕНТ Давлат юридик институтида уюштирилган илмий-амалий анжуман «Фуқаролик жамиятини шакллантириш» деб номланди.

● «БҲНЁДҚОР» ёшлар телеклубида Иқтисодий тадқиқотлар маркази ташаббуси билан ёш иқтисодчилар ўртасида ташкил этилган танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● ЯККАСАРОЙ туман ҳудудий-тиббиёт бирлашмасида шифокорлар ва ҳамшираларнинг шоира Фаридда Афрўз билан учрашуви ташкил этилди.

● НИЗОМИЙ номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида Зулфия мукофотининг совриндори Камола Эрматованинг талабалар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз хабарларидан.

Оламда нима ган?

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● НАТО раҳбарияти кейинги ойда Украина билан ҳарбий транспорт самолётларидан фойдаланиш тўғрисида ўзаро битим имзоланиши кутилаётганини маълум қилди. НАТО Бош қотиби Яап де Хооп Схеффер икки томонлама ўзаро стратегик ҳамкорлик борасида меморандум имзоланишига ҳам умид билдирди. Айни пайтда НАТО иштиёрида АҚШнинг ҳарбий юк ташувчи 200 та самолёти бор.

● Европа Иттифоқи террорчилар ва террор фаолиятида алоқадорликда гумон қилинаётган ташкилотлар, ҳаракатлар ва гуруҳлар рўйхатини янгиллади. Бу «қора рўйхат» Европа Иттифоқининг Умумий ишлар ва ташқи алоқалар бўйича Кенгаши ўтказган янги йилда тасдиқланди. Италиядаги «қизил бригада» ва бошқа айрим ташкилотлар ушбу рўйхатга биринчи бор киритилган. Африка, Яқин Шарқ, Лотин Америкаси ва Европада 45 киши, шунингдек, 46 та ташкилот номи рўйхатга тиркалган. «Новости» агентлигининг хабар беришича, ЕИга аъзо 25 мамлакат вазирлари улар жамғармаларини, иқтисодий ва мoliвayий манбаларини музлатиш сингари терроризмга қарши кураш чоралари тезкорлик билан қўлланишини маълумлашди.

● Чеченстондаги «Динамо» стадионида амалга оширилган кўпурувчиликда гумон қилинаётган асосий шахс қўлга олинди. 9 май — Фалаба кунига бағишланган тадбирда стадион минбари портлаб кетган эди. Оқибатда Чеченистон Президентини Аҳмад Қодиоров, Давлат Кенгаши раиси ва яна уч одам ҳалок бўлган эди. Чеченистон ИИБ хабарларига, жорий йилнинг 15-16 апрелида стадионда таъмирлаш ишлари олиб борилган. Портлаш маркази ҳисобланган минбарни эса 37 ёшли курувчи Ломали Чупалаев таъмирлагани аниқланган эди. Президент хавфсизлиги хизматининг бошлиғи Артур Аҳмадов сўзига қўра, қўлга олинган шахсининг икки акаси жиноий гуруҳ аъзолари бўлган. Айни дамда Ломали Чупалаев устидан тергов ишлари олиб борилаётган эди.

Қарор ва ижро

КАПИТАЛ

ҚУРИЛИШДА ЛИЗИНГ ВА ИЖАРА

Нафақат пойтахтимизда, балки бутун мамлакатимизда Мустақиллик йилларида бунёдкорлик ишлари кўлами жуда кенгайди. Қурилиш ишлари замирида эса она-юртимизни яшнатиш, ёшартириш, жаҳон андозалари даражасидаги мухташам иморатлар қуриш, халқ фаровонлигини таъминлаш, яшаш шароитларини яхшилаш турибди, десак адашмаймиз. Албатта, ана шундай талаблар даражасидаги иншоотларни фақатгина яхши лойиҳаю қурувчи кучи билан тиклаб бўлмайди. Бунинг учун замонавий техника ва технология, сифатли қурилиш ашёлари зарур.

Мамлакатимизда қурилишдаги ислохотларни янада жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Республика Президенти 2003 йил 6 майдаги «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»-ги Фармони бунга ёрқин мисол бўла олади. Унда капитал қурилишда бошқарув ва ҳўжалик муносабатлари тизими-га бозор тамойил ва механизмларини кенг жорий этиш, лойиҳа ва қурилиш ишларини бажаришга буюртмалар жойлаштиришда танлов (тендер) шартлари ташкил этиш даражасини ошириш, қурилиш материаллари бозорини кенгайтириш, уларнинг илгор турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, қурилиш индустрияси корхоналарида замонавий технологияларни татбиқ этиш ва бошқа бир қатор масалалар кўзда тутилган.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Фармон ижросини таъминлаш ҳамда капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматларини ривожлантириш мақсадида 2003 йил 23 октябрда «Капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматлари тизимини жорий этиш тўғрисида»-ги қарори чиқди.

— Иқтисослашган лизинг муассасамиз ана шу, яъни қурилиш соҳасидаги замонавий бозор инфратузилмасини яратишда муҳим омил бўлган қарор асосида ташкил этилди, — дейди «Қурилиш-лизинг компанияси» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Шохруҳ Рустамов. — Жамоамиз республика ҳудудида, кейинчалик уларни лизинг ва ижарага бериш учун олиб келинган қурилиш техникаси, эҳтиёт қисмлар, қурилиш транспорт ва кичик механизация ва-

ситалари учун божхона божлари ҳамда қўшилган қиймат солиғидан 5 йил муддатга, қурилиш техникаси ва кичик механизация воситаларини лизингга ва ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича 2007 йил 31 декабргача даромад солиғидан озод этилди. Солиққа тортишдан бўшайдиган маблағлар эса замонавий қурилиш асбоб-ускуналари ва техника харид қилишга мақсадли йўналтирилиши кўзда тутилган.

«Узмиллибанк», «Ўзуйжой-жамгармабанк», «Ўзсанотқурилишбанк», «Асакабанк», «Пахтабанк», «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси ва «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси акциядорлик жамиятимизнинг таъсисчилари саналиб, Низом жамгармамиз 1 миллиард сўмини ташкил этади.

— «Қурилиш-лизинг компанияси» қайси йўналишларда иш олиб боради?

— Ўз молиявий манбалари ҳисобига, шунингдек мамлакатимиздаги ва хорижий банклар кредитларини жалб қилиш йўли билан замонавий қурилиш техникаси, кичик механизация ва махсус транспорт воситалари ҳамда эҳтиёт қисмлар харид қилиш, уларни мулкчиликнинг барча шаклларидаги пудрат қурилиш ташкилотларига, биринчи навбатда кичик ва хусусий бизнес субъектларига шартнома асосида лизинг ва ижарага бериш асосий йўналишларимиз қилиб белгиланган ва фаолиятимизни шунга кўра ташкил этганмиз.

— Ўтган қисқа давр мобайнида бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

— Ходимларимиз ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсади-

расида эса ўқув жараёнлари пойтахтимиздаги етакчи қурилиш ташкилотлари билан узвий боғланган ҳолда олиб борилади. Барча кафедраларда меҳнат қилаётган устозлар бугунги кунда таълимни жаҳон андозалари даражасига кўтаришга муҳим ҳисса қўлиш ниятида иزلанишмоқда. Уларнинг меҳнатлари самараси эса етиштирилётган кадрлар маҳоратида яққол кўзга ташланмоқда.

СУРАТЛАРДА: «Йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш» кафедраси ўқув устаси Наталья Мосина ва техника фанлари номзоди Шавкат Хуррамов; «Қурилиш ашёлари ва гидравлика» кафедраси ўқитувчиси, техника фанлари номзоди Жамолддин Зокиров машғулот пайтида.

Бугунги кунда фарзандларимизнинг нафақат билим олишлари, балки касб-хўнар эгаллашлари, малакали мутахассис бўлиб етишишлари, катта эътибор қаратилиб, етарли шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу албатта, мамлакатимиз халқ ҳўжалигини зарур кадрлар билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган ҳамза қурилиш касб-хўнар коллежиди ҳам бугунги кунда йиғит-қизларга 10 та йўналиш бўйича билим берилиб, касб сирлари мукаммал ўргатилмоқда. Ана шу йўналишлар орасида қурилиш-пардозлаш устаси ва қурилиш дурадгори йўналишларини ўзига хос аҳамияти бор. Кимдир айтиши мумкин, «Қурувчи бўлиш учун ҳам ўқиш шартми? Гишт териш, сувоқ қилишни қараб туриб ҳам ўрганса бўлади-ку», деб. Шундай ҳам деб кўрайлик. Лекин билим масканиди ана шу касбнинг майда сир-асрорларидан тортиб, айна пайтда талаб қилинётган жаҳон андозалари даражасига иш юритиш, қайси қурилиш ашёсини қандай ишлатиш ўз хонаридан фаворит ланишни ҳис этишгача барчаси ўргатилди. Шу билан биргаликда умумтаълим фанларидан олинётган сабоқлар келгусида янада билимларни оширишга, олий малакали мутахассис бўлиш учун олий ўқув юрларида таълим олишга замин бўлади.

Юртимизда қурилишлар авж олган, бунёдкорлик кўлами ва сифати ортиб бораётган айна пайтда коллежда тайёрланаётган бўёқчи, сувоқчи, мармарга ишлов берувчи, пардоз берувчи, қурилиш

Билим масканларида

МАЛАКАЛИ

МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Қад ростлаётган ҳар қандай иншоотнинг сифатли ва мустаҳкам қурилиши, албатта кўп жиҳатдан моҳир қурувчиларнинг маҳоратига боғлиқ. Ана шундай маҳорат эса касбни қўнт билан ўрганиш, уни билим олиш, тажриба орттириш билан мустаҳкамлаш, эҳтиётсизлиги ва ардоқлаш орқали ошиб бораверади.

дурадгори, паркетчи, ойна солувчи ҳамда бино ва офисда жиҳозлашда мебелларни қўпловчи, йиғувчи, пардозловчи, дурадгор мебелчиларга эҳтиёт ва талаб ортиб бормоқда. Мазкур коллежда эса ана шундай усталар тайёрлашга эътибор қаратилган. Яхши ва талабга жавоб берадиган кадрлар бўйича мутахассис, модельер-дизайнер ҳўнарлари бўйича ҳам кадрлар тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз. Бунинг учун эса устозлар ҳамда етарли шарт-шароитлар зарур. 900 нафардан зиёд талаба билим олаётган коллежда эса юксак тажрибага эга ўқитувчи ва усталар, фан кабинетлари, линдифон хоналари, амалий машғулот устоналари, компьютер билан жиҳозланган кабинетлар, спорт зали ҳамда охиона йиғит-қизларнинг ўзлари танлаган ҳўнар сирларини ўрганишларида катта аҳамият касб этади.

— Барча савй-харақатларимиз Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи сифат жиҳадида янада малакали, шу билан биргаликда керакли мутахассислар тайёрлашга қаратилган. Бу замон талаблари даражасидаги мутахассислар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Педагогларимизнинг малакаларини оширишга ҳам эътибор қаратилган. Улар Тошкент шаҳар касб-хўнарсозларнинг таълим ва тарбиялаш доимий ҳарақатиди малака ошириш курслари ҳамда ўқитувчилар ўрта махсус таълим маркази қошидаги малака ошириш ва ривожлантириш институтида ўз билимларини янада мустаҳкамлашди.

Бунёдкор

Қурилиш майдонларида

Бўнажак ҳамшираларга қўнайдик

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимиди амалга оширилаётган ислохотлар замирида аҳоли саломатлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш, соғлом авлодни воғга етказиш ва тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш сингари вазифалар турганлиги барчамизга аён. Бунинг учун эса, албатта етук ва малакали мутахассислар, ўз касбларига содиқ, инсонларга меҳр-муҳаббатли шифокорлар — оқ халат соҳибларини тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳалики кўнга киритган юкоридаги бунёдкорлик ташкилотининг 200 нафарга яқин қурувчиси жорий йилнинг февраль ойида иш бошладилар. Ушбу босқичда бунёдкорлар зиммасига асосий ўқув-клиника корпуси, 4 қаватли ётоқхона, фаоллар зали ҳамда фойиҳи кайта қуриш ва жиҳозлаш юк-лампа бўлиб, жами 928 миллион сўмлик иш бажарилади.

— Бугунги кўнга келиб бунёдкорларимизнинг самарали меҳнатлари босиб 65 фойиздан зиёд ишларни бажаришга муваффақ бўлди, — дейди қурилиш устаси бошлиғи Абдуғаффор Қурбанов. — Ҳозирда 9 та бригада фаолият кўрсатаётган бўлиб, айниқса сувоқчи, бўёқчи, дурадгор ҳамда ганҷкор усталаримизнинг ишлари кўзгич паллага кирган. Клиника биносини, у ерда жойлашган фаоллар зали ҳамда фой-

иҳа қўна билан айтганда, қурувчилар «калитини топишди» усулида ишлашмоқда.

— Талабаларимизнинг ҳам назарий билим олишлари, ҳам амалиёт бўйича маҳоратларини оширишлари учун барча шароитлар яратилаётганидан беҳад мамнумимиз, — дейди коллеж директори, тиббиёт фанлари номзоди Турсунхон Умарова. — Бу имконият ва шарт-шароитлардан жамоамиз аҳли оқиллона фойдаланишлари лозим. 2003 йил сентябрда коллеж мактабини олган билим масканимизда 4 та йўналиш бўйича мутахассис тайёрланади. Шунингдек, 1997 йилдан бошлаб янги йўналиш, яъни универсал ҳамшира тайёрлашни йўлга қўйди. Ҳамширалар мактебини янада кўтариш, уларнинг савиясини ошириш, жаҳон андозалари даражасидаги ана шундай мутахассислар етиштириш мақсад қилган ҳолда бу йўналиш бўйича 11-синфини битирган йиғит-қизларга 3 йил таълим берамиз. Нафақат беморлар, балки соғлом инсонлар билан ишлайдиган, уларнинг соғлигини муҳофаза қилдиган ҳамширалар тайёрлашмоқда. Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида иш юритиб янги ўқув режаси бўйича фаолият кўрсатилмоқда. Ижодкор гуруҳимиз томонидан янги ўқув дастурлари яратилиб, булар малакали мутахассислар тайёрлашда ниҳоятда кўп келмоқда. Бугунги кунда биологиямизни қайта қуриш ва замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ижодий изланишларимиз кўламини кенгайтиради, албатта. Талаба ва ўқитувчиларимиз, шубҳасиз бундай эътиборга масъулият, иқбоний самаралар билан бўла беради.

Шарофат БАХРОВОВА
СУРАТДА: электр пайандчи Бахтиёр Бўрибоев қурилишда фаоллик кўрсатмоқда.


ларга билим беришда, ҳўнар ўргатишда илгор тажрибалардан фойдаланишмоқда.

Жорий йилда коллежни 264 та талаба битириб, қўлларига диплом олишади. Энг долзарб масала — уларни ишга жойлаштириш учун олдиндан савй-харақат қилинган. Ҳозирда битираётган 80 фойиз касб-хўнарсоз эгасининг иш жойлари тайин. Бунинг учун коллеж мутахассислари «Тонг» ҳиссасдорлик жамияти, «Чкалов номидидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссасдорлик жамияти, «Фармгласс» қўшма корхонаси, «Бетонсервис» масъулияти чекланган жамияти, ҳамза туманидаги қатор уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан шартномалар тузишга муваффақ бўлишди.

Халқимизда «Ҳўнар — ҳўнардан унар» деган аjoyиб нақл бор. Коллежда касб-хўнарсоз ўрганиб малакали мутахассис бўлиб етишга ётган ёшлар чиндан ҳам ўз маҳорат ва иқтидорлари билан юртимизни яшнатишга ҳисса қўлишса, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида меҳнат қилишса, бу устозлар ҳарақатларидан унган мева, ривож топган барака бўлиши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЕСОВА
СУРАТЛАРДА: ишлаб чиқариш таълими устаси Рўзивой Валиев бўлғуси қурувчилар билан машғулот ўтказмоқда. дурадгорлик устонаси устаси Дилшод Иминов талаба Дилмурод Ражаббова ҳўнар сирларини ўргатмоқда.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Шаҳримизда бири-бирдан гўзал, бетакрор, ҳўзурубаш фавворалар борки, ёзининг жазирама кўнларида улардан таралаётган салқинлик, аjoyиб рангин жилою ўзига хос жилавакорлик барчани мафтун этиб, беихтиёр атрофига тортади.

Пойтахтимиз кўча ва майдонлари, мухташам иморатлар ёнида қад ростлаган бундай фавворалар нафақат кўзини қўнартади, балки кўнгалга ҳам ором, гўзалик бағишлайди, шаҳар чиройини ўн чандон ошириши эса, шубҳасиз.

Халқаро Тошкент аэропорти ёнидаги майдонда қад ростлаётган улкан фаввора ва унинг атрофидаги 8 та фавворачалар ҳам тез кўнларда ўз фусункорлигини намойиш этади. «Тошбошрежалити» лойиҳа институтининг малакали мутахассислари лойиҳасига кўра бунёд этилаётган ушбу фавворанинг диаметри 22 метрни ташкил этади. Ушбу қурилишнинг бош пудратчиси «159-трест» ҳиссасдорлик жамиятининг 70-қурилиш бошқармаси бунёдкорларидир. Уларга пардозлаш юмушларида трестнинг 53-қурилиш бошқармаси, «Устазода» фирмаси, «Тошшаҳарнур» корхонаси пардозчи, рассом ва нурчилари яқиндан ёрдам беришмоқда.

Айни пайтда қазини, қурувлар ётқизини, гидроизоляция ҳамда қурилиш-тиклаш иш-

ларининг асосий қисми ниҳоясига етказилиб, пардозлаш юмушлари муваффақиятли давом этмоқда. Бугунги кунда 30 нафарга яқин бунёдкор қурилиш майдониди тер тўқмоқда. Мармар-гранитчилар бригадаси аъзолари маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланиб, безак ишларига эътибор қаратиш-

ган. 2 сменада меҳнат қилаётган мармар-гранитчилар лойиҳага кўра сифатга, мустаҳкамликка эришишмоқда. Айниқса, бригадир Шўҳрат Рихсиев, ишчилардан Темур Полянский, Равшан Файзиев, Асқар Рихсиевлар пардозлашга муносиб ҳисса қўлишмоқда.


— Биз бунёд этаётган фавворалар ҳадемай фойдаланишига топширилади, — дейди ишбончи Бахтиёр Ётамбергенов. — Сув ўртадаги катта фавворадан 10 метр, атрофидаги фавворачалардан эса 4,5 метр баландликка отилиб туради. У сув отган пайтда 4 хил рангда товланиш беради. Бунёдкорларимиз шаҳримизга чирой, майдонга қўрқамлик бахш этадиган мана шундай қурилиш объектида ишлатаётган мамнун, албатта.

Нима ҳам дердик, қурувчиларнинг ғайратидан кўриниб турибдики, тез кўнларда фавворанинг заррин нурлар таратиб атрофга тарқалаётган томчилари бу ерга

таширф буюрувчиларга ҳўзур бағишлаши аниқ.

Дилноза ФИЁСОВА
СУРАТЛАРДА: қурувчиларнинг ғайрат-шижоатидан лавҳалар.

Ҳажимжон Солиҳов олган суратлар.

Шаҳрим — фаҳрим
ФАВВОРА
ТОМЧИЛАРИ
ДИНИ ЯЙРАТАДИ

Шарқ дурдоналари



● Хикоят: Шайх Саъдий айтади:

— Бир юз эллик туя юки ва тўрт юз хизматкори бўлган бир савдогар Кеш жазирасида мени ўз хужрасига олиб келиб, савдогарликдаги фойда-зиёнлар ҳақида бирма-бир гапирди. Тили бир лаҳза бу нарсалар ҳақида гапиришдан тийилмади.

**Шодмон бошлаб токи
сахарга қадар,
Бехуда сўзлашдан
тийилмади тил.**

У молларни кўрсатиб, «Бу фалон ерининг моли, ҳисобсиз молу маблағи Бухорога жўнатдим, Аҳводдан кўпгина мато келган эди, фалон савдогарга бердим, у Бухорога кетди ва у ердан Хихога боради» дейди. Гоҳи эса: «Шерзга бормоқчиман, у ерининг дилкаш ҳавоси менга ёқади» дер, гоҳи: «Рум дарёси тарафига чиқмоқчиман, ундан катта фойда оламан», — дерди.

Орқасидан яна:

— Дилимда яна бир мақсадим бор, ўша мақсадга етсам, сўнг хотиржам бўлиб, хилватда ўтирман ва узлатга бериламан!

**Ундан сўнг маконим
бўлур узлатда,
Ўзимни тутаман
доим хилватда.**

Шайх Саъдий давом этади:

— Мен ундан: «Эй хожа, у муборак мақсад қайси?» деб сўрадим.

У деди:

— Яман молини Форсга олиб бормоқчиман. Форс гугуртини эса Чинга етказмоқчиман. Эшитишимча, Чинда унинг қиймати баланд экан. Чиний косасини эса Румга элтаман. Рум ипақларини Хиндистонга, Хинд пўлатларини Булғорияга, Булғория териларини Қандаҳорга, Қандаҳор дасторларини Халабга, Халаб ойналарини Яманга олиб бориб сотаман. Сўнг фойда-зиён ишларидан ва бозорлар ғавғосида осуда бўлиб, молу бойлик заҳматини ўзимдан узоқлаштираман!

У шунчалик кўп гапирдики, бошқа сўзларга тоқати қолмади ва менга:

— Эй Шайх Саъдий, сен ҳам сўзга кир, кўрган ва эшитганларингдан бир нарсаси де!

Мен унга дедим:

**Хачирдан йиқилиб
бир тожир олчок,
Сахрода дўстлардан
қолиб кўп узок.**

**Деди: — Бойнинг
кўзи тўймади асло,
Уни тўлдирмаса
агар шу тупрок!**

● Бир киши Хотамнинг олдига келиб, ундан ўн дирҳам шакар сўради. Хотам унга икки баробар кўп беришни буюрди. Хотини Хотамга:

— Исроф қилдинг, у бир сиқим сўраган эди, сен кўп бердинг, — деди.

Хотам эса унга:

— У ҳолатига яраша сўради, мен эса ҳимматига яраша бердим! — деб жавоб берди.

**Ҳожатига яраша
берса гар Хотам,
Хотаму сахийлик
қайда коларди!**

Болалар адабиёти бурчаги

МЕҲРИБОН ОСМОН

Баланд осмон
Азал- абад,
Кулиб боққан
Сенга омад,
Ғам билмасдан
Бирон замон,
Яшагайсан
Бахтли, омон.
Десам, ўйлаб
Деди, осмон:
Ташвишларим
Олам-жаҳон.
Замин дардин
Кўра-кўра,
Тинчимайди,
Кўнглим сира,
Бўлмасин деб,
Кургўқчилик,
Бўлмасин деб,
Қаҳатчилик.
Эртаю кеч
Ерни ўйлаб,
Насибали
Олам бўйлаб.
Пайтида қор,
Ёмғир бўлиб,
Зўр меҳрибон
Бағир бўлиб,
Сеҳр тараб
Теваракка,
Ёғдираман
Қут-барака.

ТИП-ТИНИҚ,
ТОП-ТОЗА

Боқ, осмон зангори,
Нурафшон тонглари.
Тип-тиниқ, топ-тоза,
О, мазза, о, мазза.

Ҳар кимнинг бошида
Баҳорий нашида:
Табиий гўзаллик,
Чиройда афзаллик.

Кўк олтин чамбарақ,
Шўх момақалдиқ.

Марказий Осиё маданияти ассамблеясида математика, астрономия фанлари тарихига оид ҳужжатларни ўрганиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Уйғурiston давлатининг Шинжон университети профессори Амир Рамазон Жалғабоев ҳамда доцент Илҳом Юсуп адиб Одил Ёкубов билан учрашди.

УЙҒУР ОЛИМАЛАРИНИНГ
ТАШРИФИ

— Бизга маълумки, азалдан Буюк Ипақ йўлидаги мамлакатлар ўзаро иқтисодий, сиёсий соҳалар билан бир қаторда илм-фан ва маданият соҳаларида ҳам ҳамкорлик алоқаларини кенг йўлга қўйган, — деди Шинжон университети профессори Амир Рамазон Жалғабоев. — Мақсадимиз,

ўрта асрларда Фарбий давлатлар билан мазкур фанлар бўйича ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган хитойлик олимлар фаолиятига боғлиқ тарихий ҳужжатларни излаб топиш ҳамда само илмининг султони Мирзо Улугбек расадхонаси ва у қолдирган бой илмий меросни ўрганишдан иборат.

Мақдмот

ҚАДИМИЙ АФРОСИЁБ АФСОНАСИ

Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида сахналаштирилаётган ҳар бир янги опера ва балет шубҳасиз, юртимиз маданий ҳаётидаги муҳим воқеага айланади.

Куни кеча театрга ташриф буюрган санъат шинавандалари «Қадимий Афросиёб афсонаси» номи яна бир аjoyиб балет тақдимотидан бир олам завқ олдилар.

Балет воқеалари қадимги шарқ шаҳри Афросиёбда кечади. Қудратли шохнинг ўз рафиқаси малика Гулчехрани айёр вазир Мастон хийласи орқали хиёнатда айблаши, бетакрор минора бунёд этган меймор Баҳромнинг ноҳақ қатл этилиши охири-оқибатда маликанинг ўз жонига қасд

Яшинлар потроқ,
Қовурар бодроқ.

Ажабо, бу осмон,
Мисоли дошқозон.
Наврўздан хуш дарак -
Қайнайди сумалак.

ПОК БУЛУТЛАР

Пок булутлар, оппоқ булутлар,
Юксакларни этгансиз макон.
Ёқимлисиз, юмшоқ булутлар,
Онангиздай эркалар осмон.

Кундуз қуёш, нур билан сийлар,
Бағрин очар тунда юлдузлар.
Еллар сеҳр қўшигин куйлар,
Беғуборсиз, қувонар кўзлар.

Сизга иссиқ кучоғин очиб,
Умид билан термудар кунлар.
Бағрингизга боришар қочиб,
Куйиб, қора бўлган тутунлар.

Сиз беминнат ювиб тарайсиз,
Қолдирмасдан қурумларини.
Оппоқ бўлиб қувнаб яйрайсиз,
Бошлаб поклик гурунглари.

Оқ булутлар, оппоқ булутлар
Юксакларни этгансиз макон.
Сизни мисли озод бургутлар
Кучоғида эркалар осмон.

БОР БЎЛСИН

Бахтни англашга,
Дардни тинглашга,
Дилинг бор бўлсин.

Дудуқ бўлса ҳам,
Хунук бўлса ҳам,
Тилинг бор бўлсин.

Сўқмоқ бўлса ҳам,
Тошлоқ бўлса ҳам,
Йулинг бор бўлсин.

Ҳар қандай дамда,
Қолмасан гамда,
Элиг бор бўлсин!

ҚАМБАР Ота

1990 йилда адиб Одил Ёкубовнинг «Улугбек хазинаси» ва «Диёнат» романлари уйғур тилига таржима этилган. Одил Ёкубов бўлган учрашувда олимлар адиб қаламига мансуб «Улугбек хазинаси» тарихий асари хусусида суҳбатлашдилар.

— Хитойдан, аниқроғи, Уйғуристондан ташриф буюрган олимлар адабиётчи эмас, математика ва астрономия фанларининг катта билимдонлари экан, — деди адиб. — Улар «Улугбек хазинаси» романини ўқиб, дилларида туғилган саволларга жавоб топиш мақсадида мен билан учрашишди. Уларнинг бобомиз Мирзо Улугбек ҳақидаги билимлари ва тасаввурлари мени ҳайратга солди.

**Эргаш ХҲЖАЕВ,
«Туркистон-пресс»**

Матновлар

КЎШИҚЛАРДА
БАТАН МАДҲИ

Куй-қўшиқ инсон ҳаёти-нинг ажралмас маънавий бойлигидир. Унинг майин ва оҳанрабо навоси ҳар қандай дилни сеҳрлаб эзгуликка, ёрқин ҳаёлларга ошно этади. Ҳар бир кўнғил куй сеҳрига сармаст, қўшиқ оҳангига эса сархуш бўлиб яшайди.

Мана икки ойдирик, шаҳримизда «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтмоқда. Жумладан, яқинда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маданият саройида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик- танловининг Яққасарой туман босқичи бўлиб ўтди. Танловда тумандаги барча маданият уйлари, мактаблар, musiқа мактаблари вакиллари иштирок этди.

Туман маданият бўлими бошлиғи Мирзатилла Мирзарайимов тадбирни кириш сўзи билан очиб, барча йигилганларни қўшиқ байрами билан табриқлади ва қатнашчиларга омад тилади.

Шундан сўнг сахнага бирин-кетин барча танлов иштирокчилари ўзларининг Ватан, она юрт мадҳи, тинчлик мавзуларидаги дилрабо қўшиқлари билан чиқа бошладилар. Танлов жараёнида қатнашчилар ушбу жиддий кўрикка алоҳида меҳр билан тайёргарлик кўрганликлари-ни яққол намоён этдилар. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари танловнинг юқори савияда ўтганлиги ҳақида фикр билдирар эканлар, ғолиблар номини эълон қилишди.

Танлов натижаларига кўра Эстрада-цирк коллежи талабаси Саодат Раҳматуллаева «Жоним, Ўзбекистоним» қўшиғи билан биринчи ўринга лойиқ деб топилиди ва Тошкент шаҳар босқичида қатнашчи ҳуқуқини кўлга киритди. Шунингдек, яна шу коллеж талабаси Бобомурод Меликов «Ўзбекистон», Ўғилбой Имомова «Шў гўзал юрт» қўшиқлари учун иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Тадбир давомида «Карвон», «Жавзо», «Сетор» гуруҳлари ҳам ўзларининг ширали куй ва қўшиқлари билан йигилганларни хушнуд эттишди.

—Бу кўрик-танлов, — дейди туман маданият бўлими бошлиғи Мирзатилла Мирзарайимов, — ҳар йилгидан кўра яхшироқ ўтди. Чунки бу гал сараланган ва танлов низомига мос келадиган қўшиқлар ижро этилди. Иккинчидан, барча иштирокчилар қўшиқларини жонли овозда ижро этдилар, қолаверса маданият уйи раҳбарияти ва ходимларининг сайй-ҳаракатлари туфайли қўшиқ байрами янада кўтаринки руҳда ўтди.


Танлов якунида ғолиб ва совриндорлар қимматбаҳо совғалар ва Фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА

вриндори Екатерина Салимова, шунингдек иқтидорли балет усталаридан Дмитрий Сисоев, Амина Бобожонова, Нуржан Кулибаев, Зураб Микеладзелар маҳорат билан ижро этганлар.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: «Қадимий Афросиёб афсонаси» балетидан лавҳа.



Маълумлар

БИЛИМЛАРИНИ СИНОВДАН ЎТКАЗДИЛАР

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ходимлари, фаоллари ва кўнгилчилари Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой ҳаракатининг етти тамойили: инсонпарварлик, холислик, бетарафлик, мустақиллик, ихтиёрлилик, ягоналик ва умумийликка амал қилган ҳолда ёрдамга муҳтож кишиларга қўмаклашишга доимо тайёрдирлар.

Ўсиб келаётган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялаш учун эса жамиятнинг шаҳар ва туман кенгашлари жойларда фаол иш олиб бормоқда. Ҳар йили, анъанавий тарзда ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказиб келинаётган «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақалари ҳам юқоридаги мақсадлар кўзланган танловлардан бирidir.

Куни кеча «Ёшлик» спорт мажмуасида ушбу танловнинг шаҳар босқичи мусобақалари бўлиб ўтди. Унда ўн битта туман ғолиблари иштирок этдилар. Танлов шартларига пухта тайёргарлик кўрган иштирокчилар асосан сафда туриш, жароҳатланганларга биринчи tibбий ёрдам кўрсатиш, юқумли касалликларга оид саволларга аниқ ва тўғри жавоб бериш, доривор ўсимликлар ва уларнинг фойдали хусусиятлари, Қизил Ярим Ой жамияти тарихи, йўл ҳаракати қоидалари каби қатор шартлар бўйича ўз билимларини синовдан ўтказдилар.

— Азиз танлов қатнашчилари, бутун мусобақа давомида сизнинг катта қизиқиш билан тайёргарлик кўргангиз билиниб турди десам асло хато қилмаган бўламан, — деди тadbирда сўз олган Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Умида Мухамедова. — Ўйлайманки, бугунги ўрганганларингиз эртага ҳаётда албатта керак бўлади. Мақсадимиз фақат ғолибни аниқлаш эмас, балки бутун дунёда волонтерлар номи билан иш олиб бораётган жамиятнинг бегараз инсонпарварлик ёрдами ҳақида маълумот бериш, ёшларни муҳтож кишиларга моддий, tibбий, ижтимоий ёрдам кўрсатиш каби юғялар руҳида, баркамол этиб тарбиялашдир.

Мурасасиз ўтган мусобақада энг кўп очко жамлаган Со-бир Раҳимов туманидаги 249-мактабнинг сан-дружиначилари биринчи ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Юнусободдаги 63-мактаб иккинчи, Яқсаройдаги 160, Шайхонто-хурдаги 85, Ҳамза туманидаги 161-мактаблар эса учинчи ўрин-

га муносиб деб топилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамия-тининг Тошкент шаҳар Кенгаши, шаҳар Со-ғлиқни сақлаш бош бошқармаси, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу танлов қатнашчи ва иштирокчиларда катта таассу-рот қолдирди. Ғолиблар Фахрий ёрлик ва эсда-лик совгалари билан тақдирландилар.

Шоира
МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: «Сало-
матликнинг ёш
дўстлари» мусобақа-
сидан лавҳа.



Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Project name Tashkent Water Supply Improvement Programme
Country Uzbekistan
Business sector Urban infrastructure
Project ID 29167
Funding source EBRD
Type of contract Consultancy
Type of notice Invitation for Expressions of Interest
Issue Date 18 May 2004
Closing Date 08 June 2004

This notice follows the General Procurement Notice for this project published on the EBRD website on 26 November 2003.

The European Bank for Reconstruction and Development (EBRD) has provided a loan to the City of Tashkent for a program of investments to rehabilitate the municipal water supply system in Tashkent. The main elements of the Project include: supply and installation of pumps and transformers; supply of goods and civil works to build a water distribution unit, to rehabilitate pump stations and to build a water reservoir. It is expected that 5 packages are to be contracted.

The objective of this assignment is to procure the services of a consulting firm, the «Project Implementation Unit Assistance Consultant» to work with the Project Implementation Unit (PIU) and assist with project implementation by carrying out the design, tendering, contracts administration and supervision as well as reporting on the project implementation in order to complete Tashkent Water Supply Improvement Project in timely and efficient manner.

The assignment is expected to start in the third quarter of 2004 and last for 36 months.

The contract will be financed from the proceeds of the EBRD loan and consulting firms from any country are eligible for short listing and selection.

Interested firms are hereby invited to submit expressions of interest. A short list of qualified firms will be formally invited to submit proposals following this invitation.

In order to determine the capability and experience of consulting firms seeking to be shortlisted, the information submitted shall include the following:

a) Relevant IFI funded project implementation experience (in the last 10 years)

Firms capability and experience in similar international consultancy assignments and/or similar projects within the last ten years will be considered. The information submitted shall include for each project, as a minimum, the following: project title; contractual role of the firm; the presence of any affiliate or parent companies and their respective roles; location; start and completion dates; value; name of the Client; funding source; objectives and brief narrative description of the project, functions and tasks carried out, including applicable national and/or international codes and standards, and certification.

Firms shall indicate which of the following tasks and functions were carried out in the reference projects: (i) planning and design activities; (ii) assistance with planning and design activities; (iii) project management; (iv) project management assistance; (v) engineering; (vi) procurement of goods, works and services; (vii) contract administration; (viii) quality assurance; (ix) safety assessment; (x) environmental impact assessment.

b) Experience in the procurement of goods, works and services in accordance with procurement rules of IFI

Procurement of goods, works and services under the contracts financed by EBRD or other International Financial Institutions. Firms shall demonstrate experience in handling of multiple procurement packages consisting of goods, works and services.

c) Experience in design of water supply projects, and in the supervision of civil works contracts in accordance with the FIDIC contractual arrangement.

d) Company/Consortium profile

* Organisation, home and field office support in management and logistics;

* Staffing;

* Continuity in ownership;

* Basic financial information;

* History of litigation (last 10 years).

e) Experience within country or region of assignment and/or countries of Central and Eastern Europe

Experience within the last 10 years shall be demonstrated within country or region of assignment and/or in other countries of Central and Eastern Europe.

f) CVs of the key staff who could be available to work on the assignment

If a firm considers it does not possess all the required expertise for the assignment, it may consider forming a joint venture partnership with other firms. In such cases the Expression of Interest should provide the aforementioned details for each partner and an indication which firm is the lead partner.

The above information must not exceed 30 pages.

The above information in English should be submitted to the address below:

Further information may be obtained from:

Mr Bakhtiyor Inoyatov
First deputy head
Department of Investments
Tashkent city municipality
City of Tashkent
3 Movarounnahr Street
Tashkent City, 700000
Republic of Uzbekistan
Tel: 998 71 133 1971
Fax: 998 71 120 6768

This notice refers to goods, works, services or consultancy services to be procured through open and competitive tendering for projects financed by the EBRD. Potential tenderers desiring additional information on the procurement in question or the project in general should, unless indicated otherwise, contact the project agency and not the EBRD.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

Газетанинг 2004 йил 21 майдаги 97-сонида берилган «ДИҚҚАТ, АУК-ЦИОН!» сарлавҳали эълонда кўрсатилган аукцион савдолари «Parkent ixsislashgan bozori» ОАЖ ҳудудида эмас, Тошкент шаҳри, Миро-

бод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «а»-уй манзилида жойлашган давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида ўтказилишини маълум қилади.

Спорт

ПОЙТАХТЛИКЛАР
БИРИНЧИ

Кейинги йилларда турли соҳа вакиллари ўртасида тез-тез спорт мусобақалари уюштириш анъанага айланиб бормоқда.

Куни кеча пойтахт вилоятининг Қибрай туманида жойлашган «Ботаника» санаторийси спорт мажмуида спартакиада мусобақалари ўтказилди.

Спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, шахмат, шашка, кураш турлари бўйича ташкил этилган мусобақаларда мамлакатимиз олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчиларидан таркиб топган жамоалар голиб бўлиш ниятида мurosасиз кураш олиб боришди.

Ҳаяжонли дақиқаларга бой, қизиқарли кечган беллашувлар якунида рақибларидан кўра сермазмун ўйин намойиш этган пойтахт жамоасига биринчи ўрин насиб этди. Андижонликлар эса иккинчи, пойтахт вилоят вакиллари учинчи ўринлар билан кифояланишди.

«ПАХТАКОР» —
КЕЙИНГИ
БОСКИЧДА

Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларида муваффақиятли иштирок этаётган мамлакатимизнинг етакчи жамоаси «Пахтакор» Қатарда «Қатар+СК» клуби футболчилари билан такрорий учрашувни ўтказди.

Шуни таъкидлаш жоизки, тошкентлик футболчилар ушбу учрашувга қадар Эроннинг «Зоб Ахан» жамоасини енгиб кейинги босқич масаласини деярли ҳал қилиб қўйишганди. Дарвоқе, қатарликлар билан Тошкентда ўтказилган беллашувда ҳам «пахтакор»чиларнинг қўли баланд келганди. Шундай бўлсада Агамуродов шоғирдлари майдонга фақат галаба учун тушганликларини намойиш этишди. Очиги, устунлик ҳамшаҳарларимиз тарафида бўлди. Аммо, 90 дақиқа давомида ҳар икки жамоа дарвозасининг дахлсизлиги сақлаб қолинди.

Шундай қилиб «Пахтакор» мухлислари ишончини оқлаб Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида курашни давом эттирадиган бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи жамоаси ушбу боғ раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир Султоновга акаси

Тўлқин ТўЛАГАНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 26 майда чиқади.



Муассис:
Тошкент шаҳар
хокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзил: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳисоби — 2 босма табоқ, объект
усулида босилади.
4273 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни etkazib бериш масалалари бўйича турер жойлашган почта
булмларига ёки «Тошкент почтматтиги» — 133-74-05 телефонига
муурожаат қилишнингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР



Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«Тошкент шаҳар муниципал
биржа маркази»

Сизларнинг биржа савдоларига тақдир этилади

Биржа савдоларига «Автомаркет» савдо-ярмарка мажмуаси шўъба хўжалик
жамиятининг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси,
3-уйда жойлашган автомажмуа ҳудудидаги майдони 18 кв.метрдан бўлган қуйидаги
товар турлари сотиш учун мўлжалланган турғун савдо дўконлари қўйилган:

- кийим-кечак ва пойабзал моллари;
- газмоллар;
- канцелярия моллари;
- электр ва хўжалик моллари;
- маиший кимё тозалаш моллари;
- озиқ-овқат моллари;
- «DAEWOO» авто-эҳтиёт қисмлари;
- авто улов аксессуарлари;
- чет-эл авто улов эҳтиёт қисмлари;
- «ГАЗ», «ВАЗ» ва «Москвич» авто-эҳтиёт қисмлари;
- авто лак-бўёқ маҳсулотлари;
- автошина ва гилдирақлар.

Хар бир савдо дўконнинг бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.



Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«Тошкент шаҳар муниципал
биржа маркази»

Сизларнинг биржа савдоларига тақдир этилади

Биржа савдоларига қуйидаги объектлар қўйилган:

- ➔ Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси,
11-уйда жойлашган, майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси;
Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм;
- ➔ Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Франко кўчаси, 38а-уйда жойлашган
«O'zdavlat'ta'limloyihaqurilish» МЧЖнинг 90 фойизлик давлат улуши;
Бошланғич нархи — 1 514 250 сўм;
- ➔ «Руслан Шамшад» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги дасттоҳлар:
— СМЖ-357 дасттоҳи, бошланғич нархи — 1 400 221 сўм,
— Токарлик-револьверли ИГ 340 П дасттоҳи, бошланғич нархи — 5 338 396 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги 209-сонли қарорига асосан, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Жанубий sanoat ҳудуди КПД-5 ёнида жойлашган, «Промстройиндустрия» ОАЖнинг «қурилиши тугалланмаган монолит уй қурилиш базаси», Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» МЧЖ биржа савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

Шунингдек, «Паркент ихтисослашган бозори» ОАЖ ҳудудидаги турғун савдо дўконлари «қуриш ҳуқуқлари» 2004 йил 19 майдан бошлаб «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» МЧЖ биржа савдоларидан олиниб, «Пойтахт-Аукцион» ДУК аукцион савдоларига ўтказилганлигини маълум қилади.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш
кунини соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача
«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Муурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.

Сайт: www.tshmbm.uz; Эл.почта: info@tshmbm.uz ва Birja@mail.tps.uz

Тошкент Меҳмонхона хўжалиги техникуми томонидан Дробышева Аксана Владимировна номига берилган №415574
рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ